O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган

# Постда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 11 (3383) | 2001 йил 15 март, пайшанба | Сотувда эркин нархда

**Бош муҳаррир минбари**

## НАВРЎЗ АРАФАСИДА

Ҳар бир халқнинг шундай муҳим айёмлари борки, уларни нишонлаш учун ҳамиша алоҳида эътибор билан тайёргарлик кўрилади. Бизнинг ўлкамизда эса энг азиз байрамлардан бири – баҳорги мувозанат куни – Наврўз айни ана шундай воқеалар сирасига киради.

Қадим-қадимлардан бизгача етиб келган Наврўз байрами Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан фақат қайта тикланибгина қолмасдан, балки янги мазмун билан ҳам бойиди, республикада амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларидаги ислоҳотларга ҳамоҳанг тус олди.

Шунинг учун ҳам мана шу ажойиб янгиланиш байрами муносабати билан мамлакатимиз ҳукуматининг ташаббусига кўра барча аҳоли манзилгоҳларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги давом этмоқдаки, бу жараёнда шаҳар ва қишлоқларимиз яна ҳам кўркам ва файзли бўлиб бормоқда.

Бизнинг кўпмиллатли халқимиз учун Наврўз байрами алоҳида аҳамиятга эга. Биз уни Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлашга тайёргарлик авж олиб бораётган бир паллада нишонламоқдамиз. Шу муносабат билан бу йилги ҳар бир ижтимоий-сиёсий тадбир алоҳида аҳамият касб этибгина қолмасдан, балки теварак-атрофимизда содир бўлаётган барча ижобий воеқеалар учун ҳар биримизда масъулият туйғусини ошириб, жамиятимиз ҳаётини янада ўзгартириш ва янгилаш жараёнида ҳозиргидан ҳам фаол ва самарали иштирок этишга даъват қилади.

Бу байрамнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, у нишонланиш муддати жиҳатидан тўлиқ бир ой давом этади. Қадимий ривоятларга кўра, шу даврда одамлар ўртасида фақат баҳс-мунозара ва келишмовчиликларгина эмас, балки қонли урушлар ҳам тўхтатилган. Наврўз инсонлар қалбига донишмандлик ва ҳамдардлик, меҳр-муҳаббат ва раҳм-шафқат туйғуларини сингдирган.

Халқимиз Наврўз анъаналарини ардоқлаб сақламоқда ва давом эттирмоқда. Менга яқинда пойтахтимиз маҳаллаларидан бирида юз берган бир воқеани гапириб беришди. Кўп йиллардан бўён ораларидан қил ҳам ўтмай, дўстлик ва ҳамжиҳатликда яшаб келган икки қўшнининг муносабатлари, номаълум бир сабабларга кўра бузилиб қолади. Аҳвол шу даражага бориб етадики, бу "борди-келди"ларга фақат қариндош-уруғлар, икки қўшнининг ёр-дўстларигина эмас, балки кичик ёшдаги болалар ҳам аралашиб кетишади. Ким билсин, агар маҳалла қўмитасидан бир донишманд чиқиб, чек қўйиш йўлини топмаганида хийла илдиз отиб бораётган бу келишмовчиликлар нима билан тугарди?

Март кунларининг бирида ўша мўйсафид қўшниларни ҳузурига таклиф қилиб, бир соатча улар билан дилдан суҳбатлашди. Бу суҳбат мазмуни кўплар учун сирлигича қолди. Лекин эртаси куниёқ тортишиб юрган дўстлар ҳовлиларини бўлиб турган девор эшигини очишиб, кирди-чиқдини, мулозаматни қайтадан бошлаб юборишди. Икки қўшни хонадон яна тинч ва аҳил-иноқ яшай бошлашди.

Шундай, Наврўз, унинг ҳар биримизга ҳаёт қувончини улашувчи дилкаш муҳити қалбларимизни нурларга тўлдириб, кўнгил изҳорларимизга мусаффолик бағишлайди, одамлар ўртасида ўзаро ҳамфикрлилик ва сабр-тоқатни қарор топтиради, худди шу нарса ўтиш даврининг хийла мураккаб шароитларида энг муборак инсоний фазилатларни намоён этишда ҳаммамизга ёрдам беради.

Халқимизнинг бағрикенглиги кўпдан кўп қўшиқларда куйланади, бу хусусда беҳисоб афсона ва ривоятлар бор. Улар турмушдаги оддийгина воқеа-ҳодисалар асосида яратилади десак хато қилмаймиз. Мана, шу воқеалардан бирини эшитинг.

Бир неча йил муқаддам Нина Степановна билан Виктор Петровичнинг икки ўғли ва қизи ўз оилалари билан Россиянинг Воронеж областига кўчиб кетишди. Кетаётиб, у томонларда ўрнашиб олганлари ҳамона ота-оналарини олиб кетишга ваъда беришди. Ўшандан бўён улардан гоҳи-гоҳи хат келиб туради. Қариялар эса Паркент бозори яқинидаги тўкилибгина қолган эски уйда қариндош-уруғларсиз, яқинларисиз яшаб келишяпти.

– Асло ёлғиз эмасмиз, – дейди мен билан суҳбатда Виктор Петрович. – Мана, шу кўчада яшаётганимизга ҳам ярим асрдан ошди. Шу йиллар ичи барча қўшнилар билан бамисоли уруғ-аймоқ бўлиб кетдик. Агар илтимос қилсак, ҳеч бири ёрдамини дариғ тутмайди. Сўраш ҳам керак бўлмайди. Мана, кеча десангиз, қўшнимнинг ўсмир ўғли ўтиб қолди. Эшигимиз ҳилвираб, базўр турганига кўзи тушиб, ёнимга келди:

– Витя амаки, болға билан мих беринг, эшикни маҳкамлаб қўяй. Яна шамол-памол қулатиб кетмасин, – дейди боласи тушмагур.

Шундай, қўни-қўшниларимиз ажойиб инсонлар. Бир пайт десангиз, кампирим оғриб қолди. Касаллик шунчалик оғир эдики, "Тез ёрдам"ни чақириб, шифохонага ётқизишга тўғри келди. Ҳозир дори-дармоннинг нархи, ўзингиздан қолар гап йўқ, осмонда. Гап фақат шу қиммат дори-дармонда ҳам эмас. Қисқаси, агар жон қўшниларим бўлишмаса борми, ўшанда кампиримни бало-қазодай ёпишган бу дард чангалидан омон олиб қолишим амримаҳол эди. Улар галма-галига овқат пишириб, касалхонага бориб туришди. Ўртада пул тўплашиб, дори-дармон олиб боришди.

Шундай, Наврўзнинг абадул-абад йўлдошлари – очиқкўнгиллик ва меҳр-мурувват фақат шу байрам кунларигагина хос эмас. Улар кундалик ҳаётдаги хатти-ҳаракатларимизнинг таркибий қисмларидир. Эҳтимол, айни шунинг учун ҳам биз кимдир холисона кўрсатган ёрдамни, кимнингдир хайрихоҳлиги ва ғамхўрлигини ҳамиша ҳам эслайвермасмиз. Шу боис ҳам инсонпарварлик меҳр-мурувват, эзгулик, сабр-бардошлилик тушунчалари билан боғлиқ ҳолдаги инсон қалбининг барча фазилатлари бизнинг жамиятимизда фақат байрам тантаналари кунларидагина эмас, бегим кунларда ҳам яққол намоён бўлиб туради. Булар шунчаки навбатдаги бир тадбир сифатида эмас, чин кўнгилдан, самимият билан қилинади.

Кўкламги мувозанат кунига бир ҳафтагина қолди. Шу муддат ичида ҳар бир хонадон, ҳар бир кўча, ҳар бир маҳаллада бу байрамни муносиб нишонлаш учун ҳали кўп ишларни бажариб улгуришимиз керак. Мана шу умумхалқ тараддудининг руҳи, Наврўз анъаналари, уларнинг бунёдкорлик ва ҳаётбаш кучи ҳаммамизда байрам ҳар вақтдагидек шодиёна нишонланажагига умид уйғотади. Бизнинг кўпмиллатли халқимиз бугунги қийинчиликларни бартараф этиб, келажаги буюк давлатни барпо этажагига ишончни мустаҳкамлайди.

Яқинлашиб келаётган қутлуғ айём муборак бўлсин, азиз дўстлар!

## ИИВ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов олиб борди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармалари, бошқармалари, мустақил бўлимлари бошлиқлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ раҳбарлари иштирок этдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий Хавфсизлик Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган мажлиси қароридан келиб чиқадиган ички ишлар идораларининг вазифалари ҳақида Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-лейтенанти Б. Матлюбов маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент шаҳрида жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси ҳақида"ги ҳамда бу йўналишдаги кейинги қарорлари ижросининг натижалари тўғрисида Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Парпиев, Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Р. Ҳайдаров ҳисобот беришди.

Республикамизда умумхалқ байрами Наврўзга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ИИВ ЖТСБ бошлиғи, милиция полковниги Қ. Тошмуҳамедов ахборот берди.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



**Наврўз бахт ва тўкинлик келтирсин бизга, болажон!**

**Баҳор ёмғири** (*ҳикоя*) 15

**"Хонадонингиздан кулги аримасин"**

Ўзбекистон халқ артисти Ҳусан Шарипов "Tabassum" меҳмони. 5





**Футбол: "ВАТАН ЎҒЛОНЛАРИ". "Жар" ССМ ўйингоҳи. 21 март. соат 16.00. Финал ўйини.**

*Барча футбол ишқибозларини таклиф этамиз.*

**Tabassum +TV**

# ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Халқимизда "Қари билганни пари билмас" деган нақл бор. Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ана шу доно нақлга амал қилиб, ички ишлар идораларида узоқ йиллар фаолият кўрсатиб нафақага чиққан фахрийлар билан доимо мулоқотда бўлиб туришади. Яқинда Ўртачирчиқ тумани Охунбобоев номли жамоа хўжалиги маданият саройида ўтган тадбир ҳам бунинг тасдиғи бўлди.

Тадбирни вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Ф. Тангибоев очди.

Йиғилишда вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги милиция полковниги М. Иноғомов уюшманинг 2000 йилдаги фаолияти, 2001 йилдаги иш режаси ҳақида маъруза қилди.

Шундан сўнг Янгийўл шаҳар, Тошкент тумани, Чирчиқ шаҳар ИИБ фахрийлар кенгашлари раислари – У. Содиқов, А. Даминов, Ғ. Исроиловлар сўзга чиқиб, ички ишлар ходимлари ўртасида хизмат интизомини мустаҳкамлашда, ёш мутахассисларни тарбиялашда, фахрийларга ғамхўрлик кўрсатишда кенгашнинг ўрни хусусида тўхталдилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ғ. Раҳимов ҳам вилоят кенгашининг фаолиятига ижобий баҳо берди.

Бошқарма бошлиғининг ўринбосари Ф. Тангибоев тадбирни якунлар экан, бундан буён бошқарма раҳбарияти фахрийлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ваъда берди.

**Шоира ТОШПЎЛАТОВА.**

## Касб маҳоратимизни оширамиз



# ЁНҒИННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ОСОН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғиндан сақлаш бошқармасида ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган, ёнғинга қарши тарғибот-ташвиқот ишларига масъул ходимлар иштирокида семинар-кенгаш ўтказилди. Ушбу тадбир иштирокчилари республикамизнинг барча минтақаларидан ташриф буюришди.

Семинар-кенгашни республика ИИВ ЁСБ бошлиғи, ички хизмат полковниги Ю. Қосимов кириш сўзи билан очди. Нотиқ ўт ўчирувчилар фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлган ёнғинларнинг олдини олиш ҳақида гапирди. Зеро, аксарият ҳолларда айнан шу вазифанинг муваффақиятли уддаланиши ёнғинлар, улардан моддий зарар кўриш миқдори, қурбонлар сони камайишига олиб келмоқда.

Республика ИИВ ЁСБ Давлат ёнғин назорати бўлими бошлиғи, ички хизмат майори Р. Жўраев сўзга чиқиб, ёнғиндан сақлаш хизматлари томонидан 2000 йилда олиб борилган ёнғинга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини таҳлил қилди, иштирокчилар эътиборини йўл қўйилган хато ва камчиликларга қаратди. Жойлардаги айрим ходимларнинг фаолиятига танқидий ёндошилди. Сўзга чиққанлар томонидан келгусида халқ хўжалиги объектлари, турар жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган профилактик, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришдаги муҳим вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Семинар-кенгаш иштирокчилари учун оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув ташкил этилди. Жонли мулоқот давомида Республика ИИВ Бирлашган таҳририяти, "Ассалом, Ўзбекистон!" теледастури, "Ёшлар" радиоканали раҳбарлари ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғибот қилишда журналистлар ва ёнғиндан сақлаш хизмати ходимларининг ўзаро ҳамкорлигини муҳокама қилишди.

Семинар-кенгаш давомида иштирокчилар янги ўт ўчириш техникаси билан танишиб, 5-МҲЎЎКдаги ёнғин техник марказини кўздан кечиришди.

Юқори савияда ўтган ушбу тадбир ходимлар билимини бойитиш, уларнинг касб маҳоратини оширишда катта аҳамият касб этди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ЯНГИЧА ШАКЛЛАР

Жорий йилда ички ишлар идоралари учун илк бор бакалавриат дипломига эга бўлган мутахассисларни чиқарамиз. Тантанали битириш кунига ҳали анча вақт бор, бугун Академияда ўқиш жараёни қизғин давом этмоқда. Яқинда 4-курс тингловчилари ўқув режаларига биноан шартли номдаги "Финал" машқлар мажмуини ўтказдилар. Ундан асосий мақсад битирувчиларимизнинг олган назарий билимларини текшириб, мустаҳкамлаб, уларда амалий кўникмаларни ҳосил қилдириш. Бакалавриат тизимига ўтганимиз учун аввалги эскирган ўқув шаклларидан воз кечилди. Бу йил Академия раҳбарияти бўлажак мутахассислар ички ишлар идораларининг асосий хизмат йўналишларини ўзлаштиришларини маъқул кўриб, машқларни ҳам шу мақсадга қаратиб ўтказди. Битирувчи курснинг ҳар бир тингловчиси навбатчи қисмининг иши, жамоат тартибини сақлаш, профилактика, ХЧК ва Ф, тезкор-қидирув, тергов ва экспертиза-криминалистика хизматлари йўналишларига урғу бериб жалб этилди. Ўқув тадбирида Академиянинг энг салоҳиятли ва тажрибали профессор-ўқитувчилари сафарбар этилди. Улар орасида фан докторлари ва номзодлари, катта амалий тажрибага эга бўлган ўқитувчилар бор эди.

Юқорида кўрсатилган йўналишлар бўйича машқда ягона муфассал фабула танланган. Ҳар бир вазият бўйича воситачилар берган хабарномалар орқали тингловчилар хонадонда содир этилган ўғирликни худди ҳақиқий ҳолатдагидек очишга ва тергов қилишга ҳаракат қилдилар. Академиянинг криминалистик полигони вақтинча "жиноят бўлган жой"га айланди. Бу ерда тингловчилар жиноят жойини кўздан кечириш, тинтув, сўроқ, юзлаштириш; жиноятчини ушлаш каби тергов ҳаракатларни ташкиллаштириш, ўтказиш ва уларни процессуал тартибда расмийлаштириш кўникмаларига эга бўлдилар.

Тингловчиларимизнинг аксарияти комплекс машқларининг дастурини тўла бажариб, имтиҳонлар сессиясига ва ундан кейин амалиёт идораларида бўладиган стажировкага ҳозир эканликларини кўрсатдилар. И. Мухторов, М. Ҳасанов, У. Жабборов, О. Ковалёв, Е. Йўлдошев, А. Ғафуров, Л. Жалов, А. Давлатов, Д. Авезовлар машқларда энг юқори рейтинг баллари тўпладилар.

Мазкур машқлар амалий ўқув жараёнининг юқори шакли бўлиб саналади ва улар бугунги кунда малакали мутахассислар тайёрлашда ўзига хос роль ўйнайди. Албатта, бу ерда турли муаммолар ҳам мавжуд, улар кафедраларнинг ўқув-услубий кенгашларида муҳокама қилинади ва ижобий ечимини топади деган умиддамиз.

**Т. АЙДАРОВ,**
*милиция полковниги.*

# АВТОПОЕЗД ЯНГИЛИК БИЛАН ТАНИШТИРМОҚДА

Хоразм вилоятида атрофига йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишга қаратилган чақириқлар ва шиорлар битилган автобус фаолият кўрсатмоқда. Автопоезд салонида эса ДАН фаолияти билан боғлиқ маълумотлар, вилоятдаги тезкор ҳолат ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича фотостендлар ва видеотасвирлар мавжуд бўлиб ундан аҳоли ўзларига керакли бўлган маълумотларни олишга муваффақ бўлмоқдалар. Давлат автоназорати куч ва имкониятларини ифодаловчи техника воситалари билан танишиш имкониятлари ҳам яратилган.

Вилоят ИИБ Давлат автомобиль назорати бошқармасида янги таҳрирдаги "Йўл ҳаракати қоидаси"ни аҳолига тушунтириш учун қатор амалий ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, бошқармада тарғибот ва ташвиқот автопоезди ташкил қилинган бўлиб, бошқарманинг бир гуруҳ масъул ходимлари ва вилоят мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ходимлари уларнинг аъзоларидир. Улар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бўлишиб аҳолига янги таҳрирдаги йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиб бормоқдалар. Шу куннинг асосий муаммоси бўлган диний экстремизм ва гиёҳвандликка қарши кураш, 2001 йил – Оналар ва болалар йили деб аталиши муносабати билан оналарни ҳимоялаш, болалар билан боғлиқ бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш улар суҳбатининг асосий мавзуларидир.

– Тадбирни "ДАН кунлари" деб номлаб, уни икки босқичда ўтказиш кўзда тутилган, – дейди вилоят ИИБ ДАН бошқармаси бошлиғи муовини, милиция подполковниги Ш. Отажонов. – Биринчи босқичда янги таҳрирдаги йўл ҳаракати қоидалари ДАН ходимларига ўқитилиб, улардан тест синовлари ва имтиҳонлар қабул қилинди. Иккинчи босқичда йўл ҳаракати қоидалари маҳаллий матбуотда чоп этилиб аҳолига етказилди, жойларда гуруҳ бўлиб ўқитилишга имкониятлар яратилди ва махсус агитавтопоезд ёрдамида савол-жавоб учрашувлари, йўл ҳаракати қоидаларининг айрим бандларини шарҳлаб бериш, шу билан биргаликда аҳолининг ДАН фаолияти тўғрисидаги фикрларини ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўтказилаётган суҳбатлардан шу нарса маълум бўлаяптики, ҳали турли йўсиндаги жиноятчиликка ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда талайгина муаммолар мавжуд. Бу муаммоларни ечишда, аҳоли билан ДАН ходимларининг алоқасини мустаҳкамлашда автопоезднинг роли катта бўлмоқда.

**М. НАВРЎЗАЛИЕВ,**
*милиция майори.*

# Ходимларимиз ёрдам беришди

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ИИВ Жиноятнинг олдини олиш бошқармаси ходимларининг бевосита амалий ёрдами билан "Соғлом ёшлар – Ўзбекистон келажаги" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Тадбирда асосий эътибор гиёҳвандлик, фоҳишабозлик каби иллатларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш масалаларига бағишланди. Унда ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиғи Т. Иминов, бўлим ходимлари Н. Турсунов, И. Аҳмедов қатнашишди. Семинарни университетнинг 1-проректори А. Бекмуродов очди.

Т. Иминов фуқароларимиз, айниқса, ёшлар ўртасида гиёҳвандлик, фоҳишабозлик иллатларининг учраётгани, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, кези келганда ОИТС (СПИД)дек бедаво дарднинг тарқалишига омил бўлиши тўғрисида маъруза қилди. Бунга аниқ мисоллар келтирди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Р. Акрамов бу иллатларга чек қўйишда ҳар бир киши нафақат ўзига, балки атрофидагилар учун ҳам масъуллигини таъкидлади.

Республика бош наркологи У. Алимовнинг қайд этишича, гиёҳвандлик моддалари ичида, айниқса героин энг хавфли бўлиб, у тиббий мақсадларда фойдаланилувчи морфиндан 20–30 баробар кучли экан. Ҳа, бир-икки марта героин қабул қилган киши ашаддий гиёҳвандга айланишини кўплаб мутахассислар очиқ-ойдин айтишяпти.

Тошкент шаҳар бош имом хатиби Анвар ҳожи Турсунов барча динда, жумладан исломда ҳам гиёҳвандлик, шаҳватпарастлик кабилар қораланишини уқтирди: "Оллоҳ покдир, у покликни яхши кўради. Ёшлар халқимизнинг келажаги, орзу-умидидир. Сизлар маънан пок, Оллоҳнинг суйган бандалари бўлинглар деб ҳар намозимда дуо қилиб яратгандан сўрайман", – деди Анвар ҳожи.

БМТ ҳам ОИТСдек асрдан асрга ўтган вабонинг кенг тарқалаётганидан ташвишда. Бу халқаро ташкилотнинг ҳукуматимиз билан ҳамкорликда амалга ошираётган лойиҳаси ходими Виктория Фозилова "хавфли гуруҳ"га кириб қолганлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилаётганини айтди. Жойларда очилган ишонч пунктларида уларга бепул шприцлар берилиши билан бирга, турли методик адабиётлар ҳам тарқатилади, мутахассислар ўз маслаҳатларини бу дарддан халос бўлишни истовчилардан аяшмайди. Натижада илгари яқинлари томонидан ўз ҳолига ташлаб қўйилган баъзи беморлар энди тузалиш йўлига ўтиб, ҳатто бошқа дардмандларга ҳам ёрдам беришаётган экан.

Тошкент шаҳар ОИТС Маркази лаборатория бошлиғи Ш. Ёқубовнинг маълумотига қараганда бу хасталикка чалинганлар сони 2000 йилда ошган.

Тадбир сўнгида намойиш этилган ҳужжатли видеотасвирлар ҳам талабаларда катта таассурот қолдирди.

Семинар сўнгида қатнашчилар мавзу бўйича ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар. Залда 300–350 атрофида талаба ўтирган эди. Ўйлаймизки, улар эшитганларини, кўрганларини, чиқарган хулосаларини бошқа тенгдошларига ҳам етказадилар, бу билан умумий ишга ҳисса қўшадилар.

Тадбирдан сўнг кўп ўтмай республика Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Парпиевга университет раҳбарияти номидан миннатдорчилик хати келди. Унда ИИВ бошқарма бошлиғи, милиция полковниги И. Хилватов семинарни ташкиллаштиришда, мутасадди ташкилотларнинг мутахассисларини таклиф этишда катта ёрдам берганини алоҳида таъкидланган эди.

**Ўз мухбиримиз.**

Ё, алҳазар!

## Ака-ука, опа-сингил ўғрилар

Жиноят оламига назар ташласак, аксарият ҳолларда жиноятчилар ўз мақсадларини амалга ошириш учун ўзига ўхшаган нопок шахсларни шерик қилишганига гувоҳ бўламиз. Лекин ака-ука, опа-сингиллар тил бириктириб, жиноятчиликка қўл урганини эшитсак, албатта ҳайратимиз ошади.

Балиқчи туманидаги Кўл маҳалласида яшовчи Ҳакимжон Рафиқов "Бўстон" жамоа хўжалигидан 25 сотих ерни ижарага олиб, яхши ниятлар билан юзлаб терак экиб, уни парваришлаётган эди. Бир кун эрталаб далага келса, йиллар давомида қийинчиликлар билан ўстираётган 27 туп мирзатеракни кимдир қирқиб, ўғирлаб кетибди. У бу ҳақда дарров туман ИИБга хабар қилди. Ички ишлар ходимлари тезкор қидирув ишларини олиб бориб, мирзатерак ўғриларини аниқлаб, қўлга олдилар. Улар ака-ука С. Ғафур билан С. Зоҳидлар бўлиб чиқдилар.

Андижон туманидаги Дўм маҳалласида яшовчи Малоҳат билан Майсара балиқчилик жиноятчилардан ҳечам қолишмасликларини амалда исбот қилдилар. Улар ҳаммаҳалласи М. Каримованинг хонадонига ҳеч ким йўқлигида кириб, у ердан аёллар пальтоси, костюми ва оқ-қора тасвирли телевизорни ўғирлаб кетдилар. Бироқ улар бу ўғирлик буюмлари билан узоққа боришга улгурмадилар, ички ишлар ходимлари тузоғига илиндилар.

**Азизхон БУЗРУКОВ.**

## Ёнғинлар сабабчисини четдан қидирмайлик

Иштихон шаҳари Каттақўрғон кўчасида яшовчи Норбуви Раззоқованинг хонадонида содир бўлган ёнғин оилага 15 минг сўмлик зарар келтирди. Ходимларимиз бу офатнинг сабабини текшириб, таҳлил қилганларида уй бекасининг электр печини ёқиқ ҳолда назоратсиз қолдириб кетганлиги туфайли ёнғин содир бўлганлиги аниқланди.

Тумандаги Эгарчи қишлоғида яшовчи Салима Йўлдошева уйида ёш болани қаровсиз ташлаб кетади. Шўх бола уйда ҳеч ким йўқлиги ва катталар назоратидан четда қолгани туфайли гугурт йўнаб полга ташлайди. Натижада уйда ёнғин содир бўлиб, хонадаги жиҳозлар ва уйнинг томи тўла ёниб кетади.

Газ плитасини узоқ вақт ёқиқ ҳолда қолдирилиши туфайли эса Иштихон шаҳридаги С. Айний кўчасида яшовчи Ҳамро Эралиевнинг хонадонида ёнғин чиқиб, оилага катта зарар етказади.

Бундай кўнгилсиз воқеаларни яна кўплаб келтириш мумкин. Ҳар бир содир бўлган ёнғин мутахассислар томонидан чуқур таҳлил этилади ва бу ҳолатни қайтарилмаслиги учун зарур чоралар белгиланади.

Қишнинг совуқ кунлари ортда қолди, бироқ хонадонларда иситиш мосламаларидан фойдаланиш давом этяпти. Юртдошларимиз ўртасида ёнғин хавфсизлиги борасида кўплаб суҳбатлар ўтказилиб, аниқ далиллар келтириб, огоҳлантирилишига қарамай айрим фуқаролар ўз билганларича иш тутиб кўлбола печлардан, электр асбобларидан уйларни иситиш учун фойдаланишади. Буларнинг ҳаммаси кўнгилсиз воқеаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Туманимиз Давлат ёнғиндан сақлаш назорати бўлинмаси ходимлари аҳоли турар жойлари, ташкилотлар, муассаса ва корхоналарда ёнғин келиб чиқишининг олдини олиш учун кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришяпти. Мақсадимиз ҳеч бир жойда тилсиз ёв – олов офатга айланиб фуқароларнинг йиллар давомида мисқоллаб йиққан бойликларини кўкка совурмасин, кишилар ёнғин натижасида жабрланишмасин.

**Улуғбек МАМАДИЁРОВ,**
*ички хизмат катта лейтенанти.*

Жиноят-қидирув хизмати воқеалари

## Жонли "ўтин"

Йирик миқдорда ўғирлик қилиб, шаҳардан қочиб кетган С. Артём уч ойлар чамаси изини кўрсатмай юрди. Ниҳоят унинг шаҳарга чегарадош туманда эканлигини билиб қолдик. Аниқ хабарлардан унинг қаерга беркинишини ҳам эшитдик. Гуруҳ аъзолари билан қишлоқнинг чеккасидаги уйни тинтув қилишга бордик. Уй эгаси ҳеч нарсадан хабари йўқлигини айтиб, текширишга розилик берди.

Хоналарни текшириб, молхона, товуқхона ҳамма ёқни қарадик, топилмади. Кейин томга чиқдим. Ярмига ҳашак босилган, ярмида эса ўтин. Ўтинни орасида бўлса керак деган хаёл мени чулғаб олди. Чиройли қилиб ўчоқбоп қилиб майдалаб, тахлаб қўйилган ўтинларни қимирлатиб кўрдим. Ўртада бўшлиқ бордай туюлди. Пастдан хонадон бекаси ташвишли оҳангда:

– Болаларим йўқ, ўтинни қўшни болаларига пул бериб тахлатганман, ағдариб юборманг, – деди.

– Ташвишланманг, ағанаса тахлаб берамиз, – деб қаттиқроқ силкидим. Тахминим тўғри экан, ўтиннинг бир қисми ичкарисига ағдарилди. Кейин қандайдир инграган овоз эшитилди. Қолган ўтинни четга ағдардим. Йигитларни чақирдим. Тездан ўтинларни четга олдик. Беш-олтита йирик-йирик ғўлалар орасида С. Артём юзини ерга беркитганча ётарди.

**Марат САЙФУЛЛИН,**
*Сирдарё вилояти, милиция майори.*

***Қизиққонлик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. У одамни аччиқ изтиробга солади. Айниқса, вояга етмаганларнинг, ёшларнинг қизиққонлиги сира ўчмас асоратларга сабаб бўлиши мумкин.***

## "Жўжахўрозлар"

Бекмурод Муродов Қамаши туманидаги Т. Сафаров номли мактабда ўқийди. У бир куни синфдоши Баҳром Турсунов билан бир-бирини бўлмағур ҳақоратомуз сўзлар билан калака қилишга тушишди. Баҳромнинг қариндоши Бахтиёр Қўчқоров унинг олдига югуриб келди. У яккама-якка муштлашишни таклиф этди. Бундан хавфсираган Бекмурод доимо ёнида олиб юрадиган қайчисини чўнтагига тиқиб, "дуэл"ни кутди. Синфдошлари уларнинг жиққамушт бўлишидан сергак бўлиб, ўқитувчи Файзулла Қодировга билдиришди. Дарс пайтида ўқитувчи уларга панд-насиҳат қилди. Синфдошлар бир-биридан узр сўрашди ҳам.

Ҳамма ғалва танаффусда бошланди. Бекмурод ва Бахтиёрнинг феъли айниб, яна ёқалашиб қолишди. Жўжахўрозларнинг жиққамуштини синфдошлари томоша қилишарди. Бахтиёр рақибининг қорнига мушт туширди. Бекмурод эса чўнтагидаги қайчини олиб Бахтиёрнинг бошининг орқа қисмига тиғ санчди. Қаттиқ чинқириқдан ҳамма болалар тош қотишди. Кимдир ўқитувчилар хонасига югурди. Қий-чувдан хона ларзага келди. Бахтиёрнинг афт-башараси қонга беланди. Уни дарҳол шифохонага олиб бориб ётқизишди. У бир неча кун даволанди. Бекмурод қилмиши учун минг бор пушаймон еди.

– Синфдошлари уларнинг ёқалашган чоғи томошабин бўлиб турмаганида, балки аҳвол бу даражага етиб бормасди, – дейди туман ички ишлар бўлими терговчи милиция капитани М. Мирзаев. – Вояга етмаганлар билан ишлашда тарбиявий ишларни янада кучайтириш лозимлиги сезилиб қолмоқда.

Терговчи мулоҳазалари ўринли. Мактаб маъмурияти бу борада тартиб–интизомни кучайтириши шарт. Бола қалби талпинчан, ёвузлик ёки эзгуликни тез сингдиради. Ҳатто болаларнинг ўзида ҳам ноиноқликни бартараф этишда ташаббускорлик ва ижобий ёндошишни ташкиллаштириш лозим. Токи, юқоридагидай ҳолатга томошабин бўлиб четда қараб турмасин.

**Ў. ҲАЙДАРОВ.**

## ТАДБИР ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Хоразм вилояти ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилаётган "Антитеррор" тадбири давом этмоқда. Тадбир дастлаб Гурлан туманида бошланди.***





Шу куни ходимлар гуруҳларга бўлиниб туманнинг чегара ҳудудлари, аҳоли пунктларидан узоқда жойлашган тўқай ва чекка жойларни бирма-бир кўздан кечирдилар.

Гурлан ва Шовот туманларидан кейин ходимлар ҳудди ана шундай тадбирни ўтказиш учун Хива шаҳрининг Космообод қўрғонига ташриф буюришди. "Антитеррор" вилоятнинг ҳамма шаҳар ва туманларида ўтказиляпти.



**Суратларда:** Питнак шаҳрида ўтказилган "Антитеррор" тадбиридан лавҳалар акс этган.

***Ж. ҚОЗОҚ олган суратлар.***

## Катта йўлдаги қароқчилар

***Мустақил Республикамиз равнақига ўзларининг беминнат ҳиссаларини қўшаётган хусусий корхоналар, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар, деҳқон-фермер хўжаликлари кун сайин кўпайиб, улар орасидаги рақобатлар, интилишлар самарасида, табиийки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати яхшиланиб, харидоргир бўлибгина қолмай, дунё бозорига томон юз тутмоқда. Она диёримизда содир бўлаётган бу ўзгаришлар қалбида ўти-ғурури бўлган кўҳна заминнинг ҳар бир фарзандини қувонтирмай қўймайди, шундай оламшумул бунёдкорликларда озгина бўлсада ўз ҳиссаси борлигини билган ҳар бир инсон янада катта ишларга интилади.***

Бухоро вилояти Ромитан тумани Қалъа–Чорбоғ жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган "Дилаферуз" фермер хўжалиги раҳбари Гулсара Турсунова ҳам яхши ниятлар ила иш бошлаб, ҳам ўзига, ҳам жамиятга фойда келтираётган эди. Гулсара опанинг баъзида Бухоро ёғ ҳиссадорлик корхонасидан омухта ем, кунжара кабиларни ташиб келишда таъби хиралашиб, кайфияти бузилар, чунки ёғ заводидан олинган маҳсулотни ташиб келишда 3-4 та бебош кимсалар юк машинасига йўл бўйи илашиб чиқиб олиб, маҳсулотни талон-торож қилишга уринишарди. Опа ушбу нохуш ҳол тўғрисида Бухоро шаҳар Ф. Хўжаев туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилди. ИИБ раҳбари милиция подполковниги Шоназар Тўраев дарҳол гуруҳни тезкор. Қидирув ишларини ёш терговчи милиция капитани Қодиров олиб борди.

ИИБ ходимларининг саъй-ҳаракатлари зое кетмади. Тезда Бухоро шаҳрида яшовчи, 1970 йилда туғилган, муқаддам судланган М. қўлга олинди. У ёлчитиб бир ерда ишламаган ҳам. Оилали, гулдек бир нафар фарзанднинг отаси бўла туриб, ўз атрофига бир-иккита бебош ёшларни тўплаб жиноий гуруҳ тузиб, уйи ёнидан ўтувчи катта йўлдан кун бўйи шаҳар ёғ заводидан турли қишлоқ туманлари томон омухта ем ташиб ўтувчи юк машиналарига яширин равишда илашиб чиқиб, талон-торож қилиб келган. Қўлга киритилган емни пуллаб, кайфу сафо қилиб юрган.

Бу нокас ўзининг "фаолияти"ни аҳоли яшамайдиган жойлардан ўтувчи катта йўлларда, йўлнинг айланма ёки тўсиқли жойларини ўзига "макон" қилиб, транспорт воситаларини шу жойларда секинроқ ҳаракат қилишидан фойдаланиб, амалга оширган.

...Гулсара опага тегишли бўлган юкни Бухоро–Ромитан йўналиши бўйича ташиб бораётган юк машинасини ҳам М. ва унинг жиноий шериклари: 1981 йилда туғилган Р. ҳамда 1983 туғилган О.лар хусусий таксида йўлнинг овлоқ жойигача кузатиб боришган ва юк машинаси йўлнинг нотекис жойида секинлашиши билан унинг орқа томонидан илашиб чиқиб, давлат нархи билан ҳар бир килограмми 11 сўм, бозор нархида ҳар килограмми 55–60 сўм бўлган 100 кг чигит широтини қопларга солиб улгуришганда ҳайдовчи сезиб қолиб машинасини тўхтатган, агар ҳайдовчи кўрмаганда, улар қанча маҳсулотни талон-торож қилишлари Оллоҳгагина маълум.

Ҳеч шубҳа йўқки, қонунбузарлар қилмишига яраша жазога тортиладилар.

Шуниси ачинарлики, меҳнаткаш, қадоқ қўлли фуқароларимиз бу иллатларга парво қилмай, лоқайдлик билан қараганлар. Бу эса қароқчиларнинг иши яна-да "ривожланиши"га туртки бўлган... Агар Гулсара опа ички ишлар идорасига билдирмаганда, қароқчилар яна қанча соддадил кишиларнинг йўлларини тўсиб, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб қўйган бўлишарди...

**Ҳ. БОЛТАЕВ,**
*милиция подполковниги.*

Tabassum +TV
HAFTALIK DASTURLAR
Постда gazetasining ilovasi



# “Хонадонингиздан кулги аримасин”



**Мухлисларнинг кўнглини топиб, улар учун ҳузурбахш томошалар кўрсатиб, кўпчиликнинг севимли санъаткори бўлиш катта бахт. Бу бахтга муяссар бўлган санъаткорлар қаторида Ўзбекистон халқ артисти Ҳусан Шариповни ҳам тилга олиш мумкин. Мусиқали драматик, комик спектакллар, фильмлар, телевизион миниатюралар театрида турли хил образлар яратиб, миллий санъатимизнинг ривожига муносиб ҳисса қўшган севимли актёр “Tabassum” меҳмони.**

**— Ҳусан ака, сиз театр ва кинофильмларда асосан комик ролларда чиқасиз. Одамларни кулдириш осонми ёки йиғлатишми?**

— Ҳар бир иш четдан қараган кишига осон туюлади. Масалан, чорраҳада ёки йўл четида турган ДАН ходимининг ишини кузатсангиз, гўё хоҳлаган машинасини тўхтатади, хоҳлаганига жарима солади-ю яна тураверадигандай туюлади. Тўрт томондан дарёдай оқиб келаётган автомашиналарни йўлга солиш, улар орасидан қоидабузарлик қилганини пайқаш, ҳайдовчини тўхтатиб, айбини исботлаш, пиёдалар ҳаракатига кўз-қулоқ бўлиш шунчаки жўн иш эмас.

Мен ўзим табиийликни яхши кўраман. Енгил-елпи нарсаларни ёқтирмайман. Гоҳида азага борсангиз отаси ёки онаси оламдан ўтган айрим кишиларнинг кўзидан ёш чиқмайди. Кўзига дастрўмол тутиб, минғирлаганча ўзини йиғлаганга солади. Инсон чин дилдан йиғласа кўнглидаги ғубор ҳам кўтарилади.

Қизиқчи, аскиячи, сўз усталарининг устози Юсуфжон қизиқ кулинг, умрингиз узоқ бўлади, деганида маза қилиб мирқиб кулишни назарда тутган. Зўрма-зўраки, нимкулгилар тезда эсдан чиқиб кетади, айримларнинг асабига ҳам тегиши мумкин.

Халқимиз кулгига ўч. Икки-уч улфат учрашса, дўстлар даврасида, албатта, қочирим гаплар, аскиялар, кулгили воқеалар эсга тушади, қаҳ-қаҳа янграйди. Тўйларда, жамоалар томонидан уюштирилган тантанали тадбирларда қизиқчи, сўз усталарининг чиқиши даврага файз киритади, йиғилганларнинг кайфияти кўтарилиб, юзига табассум югуради. Эътибор берган бўлсангиз театр залларида томошабинлар камайиб кетяпти деган гаплар қулоққа чалиниб турган пайтда ҳам Муқимий номли мусиқали драма ва комедия театрида бу ҳол жиддий сезилмади. Сабаби, комик асарларни халқимиз барибир севиб томоша қилишади.

Санъат ҳаётнинг инъикоси бўлиши керак деймиз. Комедия, ҳажвия, аския, қизиқчилик санъатнинг турлари экан, улар ҳаётий бўлиши шарт. Телевизион миниатюралар театрида, “Эколаш”даги кичик ҳажвиялар, радиодан бериладиган хандаларда кундалик турмушимиздаги камчиликлар, нуқсонлар, одамларнинг қизиқ табиати акс этиши керак. Томошабинлар ҳажвий асарни кўриб, ҳаётдаги воқеани, ҳолатни, кишиларни кўз олдига келтирса уларни қитиқлашнинг ҳожати қолмайди.

Кишиларни кулдириш осонми, йиғлатиш осонми, деган саволингизга шуни айтишим мумкинки, қалби тоза инсон қайғули нарсаларга тез йиғлайди, кулгили гапларга эса чин дилдан яйраб кулади. Бир-икки соат номдор қизиқчилар теша тегмаган ҳангомалар айтганда ҳам тишининг оқини кўрсатмай кетганлар бўлган. Шукрки, бунақа табиати кулги ёқтирмайдиганлар жуда кам.

**— Ҳусан ака, айримлар ёшлигида бир касбни орзу қилишади-ю, ўрта мактабни битириб, мутлақо ўзга касб бўйича ўқишга киришади.**

— Қолганини айтмасангиз ҳам тушундим. Отам раҳматли менга доим дўконда ишлайсан, сотувчи бўласан дердилар. Лекин мен санъаткор бўлишни орзу қилганман. Мен ўқиган мактаб Муқимий номли мусиқали драма ва комедия театрининг яқинига жойлашган. Синфимиз деразасидан театр артистларининг репетиция қилаётган хоналари кўриниб турарди. Мен тез-тез ўзбек театр санъатининг дарғалари Раззоқ Ҳамроев, Лутфихон ая Саримсоқова, Соиб Хўжаев ва бошқаларни театр олдида, Бешёғоч майдонида кўриб турардим, атайлаб учратиш учун пойлардим. Чунки, уларга жуда ҳавасим келарди. Ана шу санъаткорлар билан бирга театрда ишлаш, роль ижро этишни орзу қилардим.

Ҳаётда шунчаки ҳаваснинг ўзи ҳеч нарса эмас. Орзуга эришиш учун интилиш, ҳаракат қилиш, дуч келган тўсиқ, қийинчиликларни сабр, матонат билан енгиш керак бўлади. Ана шу йўлда менга устозлик қилган, актёрлик машаққатларини енгишда тўғри йўл кўрсатиб, ёрдамини аямаган устозлардан бир умр миннатдорман.

Санъатда ва спортда Оллоҳ юқтирмаган бўлса, бир эмас ўн устоз ҳам ҳеч нарса қилолмайди. Оллоҳга шукрким менга озгина бўлса-да, истеъдод ато этган экан, ўқидим, изландим, устозлардан ўргандим, шу даражага етишганимдан бахтиёрман. Шу ўринда шогирдларингиз кимлар, деб сўрарсиз. Ёш актёр театр эшигидан кириб келса, унга йўл-йўриқ кўрсатиб, билмаганини ўргатадиганлар саноқли бўлади. Лекин ўша актёр етук санъаткорлар қаторидан жой олганда, мен устозлик қилганман дейдиганлар кўпайиб кетади. Менинг ёрдамимдан баҳраманд бўлган, кўрсатган йўлимдан бориб ниятига етган, мендан ўрганиб маҳоратини оширган ёшлардан, актёрлардан бирортаси келиб мени устоз дея бир марта таъзим қилса, мен унга ўн марта таъзим қилишга тайёрман.

**— Кейинги пайтда ҳажвий кўрсатувлар, эшиттиришлар сони анча ошди, шу билан бирга томошабинларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган, бачкана, зўрма-зўраки тайёрланган, енгил-елпи асарлар ҳам кўпайиб қоляпти.**

— Кулги кишига маънавий озиқ беради. Инсон ундан кўнгли тўлиб баҳраманд бўлсагина дили яйрайди. Ўзингиз ёқтирмаган таомни есангиз ёки бирор меҳмондорчиликда яхши тайёрланмаган, қиёмига етиб пишмаган таомни зўрлаб едиришса, аввало, бу овқат ҳазм бўлмайди, кейин қорин оғрийди, кўнгил айнийди. Бачкана, енгил-елпи кулгилар ҳам худди шунақа бўлади. Саҳнага чиқиб олиб, мен нима десам, нима қилсам томошабин кулаверакан дейиш, жуда нотўғри. Ҳар бир санъаткор, аввало, ўзидан зукко ва синчков томошабин борлигини унутмаслиги керак. Бачкана, енгил-елпи кулгилар тезда мухлислар меъдасига тегиб, ихлосини қайтаради.

Устозларим Р. Ҳамроев, С. Хўжаевлар санъаткор доимо халқ ичида бўлиши керак дейишарди. Ҳамма нарсани халқдан ўрганиш керак, халқ ҳаётидан олиш керак, деб тайинлашарди. Аския, ҳажвия, интермедия, қизиқчилик халқ ҳаётини акс эттириши лозим. Ҳаётдан узилган, зўрма-зўраки тўқиб чиқарилган ҳар қандай нарса кўп яшамайди.

Ёш қизиқчилар, комик актёрлар, сўз усталари етишиб чиқяпти. Илгари телевидениеда миниатюралар театри, радиода “Табассум” радиожурнали бор эди. Ҳозир ҳажвий кўрсатув ва эшиттиришлар сони ўндан ортади. Ҳар бирининг ўз йўналиши бор, ўз мухлисига эга. Издошларинг, йўлингни давом эттираётган ёшларнинг кўпайгани қувончли, албатта. Лекин саҳнага, экранга чиқаётган ҳар бир киши томошабиннинг дидини бузмасин. Айтайлик, ўзимизнинг ўзбекча паловни қиёмига етказмай, пала-партиш пишириб келтириб уч-тўрт марта ёшларга едириб кўринг. Палов шу бўлса емай қўя қолай, деб кетиши ҳеч гап эмас. Бачкана, кишининг энсасини қотирадиган гаплар, воқеаларни кулги деб кўрсатилса, ҳар қандай кишининг ихлоси қайтади. Ҳозир ёшлар тарбиясига эътибор кучайтириляпти. Ханда, кулги, қизиқчилик тарбия воситаларидан бири экан, тарбия оладиган даражага етказиш керак. Бу борада бой анъаналар бор, устозлардан бебаҳо мерослар қолган. Ёшларга етказишимиз, уларнинг дидини ҳисобга олиб, зарур бўлса, қайта ишлаб, кўрсатишимиз керак.

**— Кейинги пайтларда айнан ёшлар билан маънавият мавзусида суҳбатлар ўтказаётган экансиз.**

— Маънавият нима, уни қандай тушуниш керак, инсонга нима учун зарур, ривожлантириш, яъни инсон маънавиятини бойитиш каби мавзуларни қамраб олган суҳбатлар ўтказдим. Бу айнан ёшлар учун жуда зарур. Айрим жойларда мени комик актёр сифатида кутиб олишади. Роса мириқиб куламиз, деб ўйлашади. Лекин, жиддий қиёфада суҳбат бошласам, аввалига киришолмай туришади, кейин саволлар ёғилади. Президентимиз И. Каримов бежиз ёшлар маънавиятини юксалтириш ҳақида тез-тез қимматли фикрлар айтмаяптилар. Ватан, она замин, миллат, ўтмишдан қолган бой мерос, уларни асраб-авайлаш, истиқлол, нурли келажак кабиларни ёшларга сингдиришимиз, уларнинг қалбига жойлашимиз зарур. Чунки, биздан кейин Ватанимиз бус-бутун, ривожланган давлат сифатида авлоддан-авлодга ўтиб бориши керак. Бунинг учун биз катталар ёшларга ва болаларнинг маънавиятини бойитиш учун астойдил киришишимиз зарур. Ўтказилаётган суҳбатларда барибир кулгили савол-жавоблар бўлади. Ўзим кишиларнинг чеҳрасида кулги кўришни истаганим учун албатта, бироз кулгига ҳам вақт ажратишга тўғри келади.

Пировардида, барча юртдошларимизга, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашда хизмат қилаётган ички ишлар ходимларига саломатлик тилаб барчаларининг хонадонида қаҳ-қаҳа янграб туришини тилайман.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ суҳбатлашди.**

“Постда” газетаси ходимларига!
Омад-бахт тинчлик деб

Ҳажвия

# ЖАНЖАЛ НИМАДАН ЧИҚАДИ?

Жанжал нимадан чиқади? Етишмовчиликдан дейсизми? Йўқ-йўқ, тополмадингиз. Тўқликка шўхликдан? Яна тополмадингиз. Ўзим айтайми – хўп.

Яқинда кўчиб келган бир қўшним бор. Худони берган куни кайф. Эрталаб ишга кетаётганда ёнимиздаги будка дўкондан юзтани отиб олади. Кечқурун ишдан қайтаётганимда яна ўша ерда уч-тўрт улфати билан кўча томондан пештахтага суяниб турганини кўраман.

Ўзим ичиш тугул, ҳидига тоқатим йўқ. Мастларни-ку жинимдан ёмон кўраман.

Ўтган куни йўлаккача бирга-бирга гаплашиб келдик.

– Бўмасакансиз, – деди умуман ичмаслигимни эшитиб, – ман сизга айтсам, бу дунёни энг зўр лаззатидан бебаҳра экансиз. Бўлди, бугундан сиз билан пўмман. Каталагингизга ўзингиз чиқаверинг. Ман пастда қолиб кайфимни сураман.

Кеча ишдан қайтаётсам, қўшним яна ўша дўконнинг олдида. Менга қараб:

– Келинг, юзта-юзта отиб ярашайлик, – деди чайқалиб.

– Айтдим-ку, қўшни, ман умуман ичмайман, – дедим афтимни бируштириб қўлимни кўксимга қўйиб.

– Хўп, ичмасангиз, сигаретимни тутатиб олай, оловдан беринг.

– Кечирасиз, чекмайман.

– Нима, ҳали чекмайсиз ҳамми? – қўшним эшитган гапига ишонмай чайқалиб-чайқалиб олдимга келди.



– Нима, дунёга устун бўлмоқчимисиз? Ё топганингизни йиғяпсизми? Ўйнаб-кулиш керак қўшни, яшаш шуниси билан қизиқ. Боринг, каталагингизга чиқиб тухум босиб ётаверинг. Вабше сиз билан пўмман.

Бугун ишдан қайтаётиб гугурт харид қилдим. Сезганимдай яна қўшним олдимдан чиқди, лабида сигарет.

– Салом бердик, қўшни, оловдан беринг, – дейди кўзлари биё-биё бўлиб.

Чўнтагимдан гугуртни олдим, чақдим, қўрқувданми, ижирғанишданми қўлларим қалтираб кафтимни куйдириб олдим, олов ҳам ўчиб қолди.

– Нима, алкашмисиз? Ҳаммадан яшириб бир ўзингиз ичасизми дейман-да. Шуям кайф қилиш бўлдию. Ичиш улфатлар билан гаштли, – у қўлимдан гугуртни тортиб олиб ўзи сигаретини тутатиб, сўнг гугуртни хотиржам шимининг чўнтагига солди. – Нима, зажигалка олишгаям хасислик қилдингизми? Биласизми – ҳозир иккита гугурт пулига битта зажигалка беради. Нимага афтингни буриштирасан? Ўзи сандақа хасис билан вабше гаплашмаслигим керак эди. Борбор, йўлингдан қолма!

Жаҳлимни зўрға босиб уйга келди. Эртага зажигалка олмоқчиман. Агар қўшним яна бир баҳона топиб гапни кўпайтирса, мен ҳам ҳаққимни қолдирмайман. Керак бўлса муштлашаман ҳам. Кўрсатиб қўяман унга ким хасислигини. Ҳа, айтганча, асосий мақсад ёдимдан кўтарилай дебди. Сизларнинг жанжалларингизни билмадиму, бизники оловдан чиққан бўлади ўшанда, менимча.

**Бобомурод ТОШЕВ.**

Масал

# ЖИЛҒА

Қуёш юксак қорли тоғларга заррин нурларини ташлади. Тоғдаги эриган қор сувидан гўзалликда тенг йўқ – Жилға дунёга келди. У ёшликда кўнгил берган Дарё сари жилдираб оқиб келарди.

Кутилмаганда бирдан у йўлдаги Ўрага тушиб кетди.

– Ҳай, кимсан ўзи? Нега менинг бошимга сув қуяпсан? – чуқурлик қаъридан овоз эшитилди.

– Мен Жилғаман, – деди жаҳаннам тубидан келаётган овозга жавобан. – Ўзинг кимсан?

Чуқурлик қаъридан яна садо келди:

– Мен ёруғликни кўра олмайдиган Ўраман.

Сўнгра у бир эснаб олгач, ўз муддаосини айтди.

– Эй, гўзал Жилға! Ўзингга аён бўлгандек: сенинг ой жамолинг ишқида эртаю кеч оҳ-воҳ уриб, мен шу аҳволга тушиб қолдим. Энди сен бир умр қоронғу ҳаётимда яшайсан.

– Эй, Ўра! Ҳаётинг ўзингга буюрсин, – деди Жилға. – Мен эса, бир умр ёруғлик ошиғиман. Мен эътиқодим бўйича ёруғлик йўлида яшаб келаман. Сенинг қоронғу дунёнг эса, менга бегона. Эътиқод қўйган ҳаётим йўлидан қолмайман. Мен Дарёга шошилаяпман. Дарё эса инсонлар чанқоғини қондиради, далаларга ҳаёт бағишлайди.

Жилға ёшлик ғайрати билан янада сув тўплаб, Ўранинг қоронғулик оламини бутунлай кўмиб юборди. Ўзи эътиқод қўйган ёруғликка йўл очди. Ҳаётидаги улуғ мақсади – Дарё сари йўл олди.

Истиқболига қараса Дарё кўриниб қолибди. Кўз ўнгида умид юлдузи чарақлаб турганини кўрар экан, бор иродасини тўплаб, янада олға интилди. Охири Дарёга келиб қўшилди. Дарё ўзининг беором тўлқинларида Жилғани инсонларга, она табиатга ҳаёт бағишлагани олиб кетди.

***

Ҳаётда ўз мақсади сари интилган ҳар бир инсонга бахт кулиб боқади.

**Эркин ҚОДИРОВ.**



*Бола дунёни тебратар*

# КРОССВОРД




**Энига:** 1. "Узун" йил. 4. Мевазор-у гулзор бунёдкори. 10. Кашта тикувчи чевар. 11. Йилнинг кеч куз даври. 14. "... келди, ҳамма келди". 15. Қадимда бунёд этилган коинотни кузатиш маскани. 16. Эркин Воҳидовнинг Толиб Йўлдошга бағишлаб ёзган тўртлигидан:

***Шеърнинг сози – тўрт сатр,***
***Тўрт ажойиб – зўр сатр.***
***... одам ўзини***
***Тўрт сатрда кўрсатур.*** 19 Оғир атлетика спорти анжоми. 20. Давлат бошлиғининг қонун кучига эга бўлган ҳужжати. 21. Инсоний меҳр, туйғу. 22. Оғзаки ижод тури. 23. Венгриялик шоҳмот гроссмейстери. 25. Ўтга чидамли ва электр токи ўтказмайдиган маъдан. 28. Жигарранг пўстлоғи зиравор сифатида ишлатиладиган жануб ўсимлиги. 30. Эрондаги тарихий шаҳар. 33. Марказий Осиёда ўрта асрларда асарлар ёзилган тил. 34. Жиззах вилояти тумани. 35. Инсон. 38. Қорақалпоқ халқига мансуб қаҳрамон. 39. Бухоро вилоятидаги шаҳар. 40. Чўл жонивори. 41. Катта уй, бино.

**Бўйига:** 1. Ҳамид Олимжон шеъри, Юнус Ражабий мусиқаси билан айтиладиган лирик ашула. 2. Босимни ўлчаш асбоби. 3. Вақт механизми. 5. Денгиз. 6. Куракоёқли, йирик қуш. 7. "Суюнчи" фильми қаҳрамони. 8. Кузпишар мева. 9. Воқеа-ҳодиса, нарсаларни тур, навларга ажратиш. 12. Ҳўл мевадан тайёрланадиган ичимлик. 13. Таркибида қазилма балиқ қолдиқлари бўлган тоғ жинслари – сланецларни олтин гугурт кислотаси билан ишлаб олинган мойсимон доривор модда. 17. Гап бўлаги. 18. Илмий унвон. 24. Тоғ сув йўли. 25. Нефть маҳсулоти. 26. Риёзиёт ва фалакиёт илмининг алломаси, ватандошимиз. 27. Бинонинг асосий қисми. 29. Никотин кислотасининг яна бир номи. 30. Маънолари турлича, талаффузи бир хил сўз. 31. Ишқор ва кислотада турли рангга кирувчи ўсимликдан олинадиган модда. 32. Вақтинча сақлаш учун олинган нарса. 36. Афсонавий қуш. 37. Одат, анъана.

**Фозилжон ОРИПОВ.**

Тўкин дастурхонингизга

## КРЕМЛИ КУЛЧАЛАР

1 стакан сув, 125г маргаринни қайнаш ҳолига келтиринг. 1 стакан ун сепиб, қумоқ-қумоқ бўлиб қолмаслиги учун тез аралаштиринг, совуқ жойда бироз асранг. Кейин унга 4 дона тухум чақиб, яна аралаштиринг. Совуқ сувга ботириб олинган ош қошиқда аралашмадан олиб, алоҳида-алоҳида қилиб, патнисга териб чиқинг. Қиздирилган духовкада пишириб олинг. Совутиб, ичига хоҳлаган кремингиздан солинг.

## ҚИЁМЛИ ПЕЧЕНЬЕ

Чуқур товани ёғлаб, ичига қоғоз солинг. Духовкани 350° С гача қиздиринг. 1/4 стакан сариёғ ва ўшанча эритилган мол (қўй) ёғини аралаштириб, юмшатинг. 1 стакан шакар, ярим чой қошиқ ванилин ва ўшанча бодом эссенциясини қўшинг. Ҳаммасини яхшилаб аралаштиргач, 2 стакан ун, озгина туз, қуруқ смесни қўшиб, сут қуйиб, юқоридаги ёғга аралаштиринг. 6 дона тухумнинг оқига аста-секин шакар аралаштириб, кўпиртириб, хамирга қўшинг. Иссиқ духовкада 40 дақиқа пиширинг, совутиб, тўрт бурчак шаклида кесинг. Печеньеларни патнисга териб, ҳар бирининг устига қиём суриб чиқинг.

## МЕВАЛИ ПИРОГ

Хамир учун.

200 г. ун, 1 дона тухум, 1 чой қошиқ уксус, бир чимдим туз, 2 ош қошиқ эритилган сариёғ. Ичига солиш учун: 200 г. қулупнай, 550 г олма, 50г. шакар, 1 чой қошиқ лимон шарбати, 500 г. творог, 40 г сариёғ, 2 пакет ванилин қанди. Хамир тайёрлаш: тоғорачага ун солиб, ўртасини тешик қиласиз. Тешикка уксус қўшиб, кўпиртирилган тухумни, кейин туз солиб, сариёғни қуясиз. Миксер билан аралаштириш мобайнида хамирга 50 г. илиқ сув қуясиз.

Хамир қайишқоқ ҳолга келгунча камида 10 дақиқа қўлда ийлайсиз. Хамирни бир неча марта хамир тахтага уриб-уриб олсангиз, ундаги ҳаволар чиқиб кетади. Хамирни зуваладек думалоқлаб, иситилган тоғорача остида 30 дақиқа сақланг. Хамирни ичига солиш учун: қулупнайни бўлакланг, олмани арчиб, тўғранг. Творог ва ванилин қандини аралаштиринг.

Озгина ун сепилган тахтада хамирни учбурчак шаклида ёйинг. Уни сочиққа қўйиб, пахта ёғи суринг, қўлингизни хамир остига тиқиб, аста чўзинг. Шу ҳолда хамирни юпқалаштиринг. Духовкани 175° С қиздиринг, патнисни ёғланг. Хамир четидан 2 см. қолдириб, устига меваларни бир текис қилиб ёйинг. Сариёғ эритмасини творог тепасига қуйинг. Хамирнинг четларини қимтинг. Аста сочиқни тортиб олиб, хамирни рулет шаклига келтиринг ва "чоки"ни пастга қилиб патнисга жойлаштиринг. Хамир устига ёғ суриб, устига тез-тез сут қуйган ҳолда 35 дақиқа пиширинг. Совутиб, турли шаклларда қирқинг.

***Ёқимли иштаҳа!***

Тест

# Асалнинг ҳам ози ширин

**Ҳаммага маълумки, танқид шоколад эмас, мақтовни эса кўпчилик хуш кўради. Яна бир нарса аниқки, вақтида, жойида, меъёрида мақташ боланинг кўнглини кўтаради, уни янаям ғайратлантиради. Сиз ана шу мўъжизакор тарбия воситасидан фарзанд тарбиясида тўғри фойдаланасизми? Буни билмоқчи бўлсангиз, қуйидаги тест ёрдам бериши мумкин.**

1. Болангиз бирор фан бўйича тестлар тўплами саволларига яхши жавоб қайтарса...

*а) яхши, фақат бу ёғига бўшашма дейман;*

*б) баракалла, ғиж-ғиж талант экансан-ку дейман;*

*в) бир-ярим йўл қўйган хатоларини кўрсатиб ўтаман.*

2. Фарзандларингиз ўзидан билиб ахлатларни вақтида ташлаб келишни, уйни йиғиштиришни, идиш-товоқларни ювишни одат қилишса...

*а) уларни ўпиб қўяман;*

*б) уларга раҳмат айтаман;*

*в) ўзи шундай бўлиши керак-да, бунинг қойил қоладиган жойи йўқ.*

3. Қизингиз ошхона учун фартук тиккан бўлса...

*а) яхшигина чевар бўлиб қолибсан дейман;*

*б) қойил, қотириб тикибсан дейман;*

*в) камчиликларини кўрсатиб, қолган қийқимларини йиғиштириб қўйишини тайинлайман.*

4. Ўғлингиз ёғочдан қуш ини ясаса...

*а) яхши чиқибди дейман;*

*б) туғма уста экансан-ку дейман;*

*в) вақтингни бекорга сарфлабсан, қушлар ўзларига ўзлари ин қуриб олишларди дейман.*

5. Фарзандингизнинг қилган иши кўнгилдагидек чиқмаса...

*а) камчиликларини ётиғи билан тушунтираман;*

*б) қўявер, кейинги гал яхши чиқади дейман;*

*в) уришиб бераман.*

6. Ўғлингиз оғирроқ ишда сизга ёрдам бермоқчи бўлса...

*а) рухсат этаман, иш давомида далда бериб, кўнглини кўтариб тураман;*

*б) баракалла, ҳақиқий ўғил болачасига иш тутяпсан дейман;*

*в) қўй, ҳали бу ишга ёшлик қиласан дейман.*

7. Қизингиз ўз зарур шахсий ишини қўйиб, вақтингиз етмаётганини кўриб пишириқ пиширишда сизга ёрдамлашиб юборди...

*а) умрингдан барака топ, сенсиз нима қилардим-а дейман;*

*б) раҳмат дейман;*

*в) нима қипти, ёрдамлашса ўз онасига ёрдамлашибди-да.*

8. Баъзан шунчаки бесабаб ҳам болаларингизни эркалаб турасизми?

*а) ҳа;*

*б) баъзанмас, ҳар куни;*

*в) ҳожати бормикан, тантиқлашиб кетиши мумкин.*

### БАҲО

Натижага кўра **а** гуруҳдаги жавоблар кўпчиликни ташкил қилса, болангизни жойида, меъёрида мақташни биласиз. Мақтовингизнинг ичига зарур маслаҳатлар ҳам сингдирилган бўлади. Бундан фарзандингиз руҳланади.

Мабодо кўпроқ **б** гуруҳдаги жавобларни танлаган бўлсангиз, мақтовни меъёридан ошириб юборар экансиз. Мақтовни ширинликка қиёс қилиш мумкин. Унинг ортиғи ортиқ. Асалнинг ҳам ози ширин, акс ҳолда у ўз қадрини йўқотиши мумкин.

Агарда жавобларингизда **в** гуруҳ кўпчиликни ташкил қилса, болани вақти-вақти билан қилган ишларига муносиб мақтаб, унинг кўнглини кўтариб туриш кераклигини билмас экансиз. Сиз танқид келажакнинг меваси деган тамойилга амал қиласиз. Лекин ҳаддан ортиқ танқид аччиқ, бемаза мева ҳам беради. Буни унутманг. Акс ҳолда болангизда ўзига ишонч йўқолиши мумкин.




Тузувчи Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.

“Tabassum”ning keyingi sahifalarida ko'rishguncha xayr!

Фахрийларимиз фаолиятидан

# ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ ПАРИСИ БОР

**Бир муаммога дуч келиб қолсак, дарров ота-онамизга, опа-акаларимизга, ўзимиздан ёши улуғларга мурожаат қиламиз. Ва, табиий, улар бизнинг "тишимиз ўтмай" турган муаммони осонлик билан ҳал қилиб берадилар. Улардаги ҳаётий тажриба, босиб ўтган йиллари давомида тўпланган бой билим биз учун доимий ҳаёт, ибрат мактаби бўлиб қолади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда ички ишлар идораларида узоқ йиллар фидокорона меҳнат қилиб, истеъфога чиққан ички ишлар идоралари фахрийларининг жуда кўплари ҳам ўз издошларининг доимий равишда устоз-маслаҳатгўйлари, кўмакчи ва суянчиқлари бўлиб, мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ишларида бош-қош, кўмакчи бўлиб келмоқдалар.**

– Президентимиз ва давлатимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат, халқ фаровонлигини ошириш мақсадида чиқарилаётган фармонлар, ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлида қабул қилинаётган қонунларни ёшлар онгига сингдириш борасида фахрийларимиз томонидан самарали ишлар олиб борилмоқда, – дейди Самарқанд вилоят ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик кенгашининг раиси, истеъфодаги милиция полковниги У. Дўстбеков. – Бу борада фахрийларимиздан Н. Муллабеков, Ҳ. Давиров, И. Губадуллин ва О. Афзалиевларнинг амалга ошираётган ишлари эътиборга лойиқдир.

Бугунги кунда фахрийларимиздан 15 нафардан кўпроғи вилоятнинг шаҳар ва туманларида маҳалла қўмиталарининг раиси бўлиб ишламоқдалар. Жумладан, Самарқанд шаҳар "Заминий" маҳалла қўмитасининг раиси, истеъфодаги милиция полковниги Ж. Саидмуродов, Самарқанд тумани "Улуғбек" маҳалласи қўмитасининг раиси, истеъфодаги милиция подполковниги В. Аҳмедов, Булунғур тумани Нуронийлар жамғармасининг раиси, истеъфодаги милиция подполковниги Қ. Ўролов ва яна кўплаб фахрийлар раҳбарлик қилаётган маҳаллалар ҳудудларида ҳуқуқбузарликлар йўқ десак ҳам бўлади.

– Фахрийларимиз доимо жойлардаги оператив ходимларга, участка вакиллари, ДАН, паспорт бўлимлари, вояга етмаганлар билан ишлаш нозирлари ва бошқа хизмат ходимларига яқиндан ёрдам бермоқдалар, – гапни давом эттиради Хоразм вилоят ИИБ фахрийларининг сардори, истеъфодаги милиция капитани У. Абдукаримов. – Шу билан бирга нафақага чиққан бўлса-да, хайрли ишлари билан жамиятимизга наф келтириб, обрў топаётган тадбиркор фахрийларимиз ҳам анчагина. Масалан, истеъфодаги милиция подполковникларидан А. Машарипов эскириб, ташландиқ ҳолга келиб қолган "Урганч" меҳмонхонасини хусусийлаштириб, замон талаблари даражасида таъмирлаб, ишга туширди. Курёз ҳожи Исмоил Тангриберган ўғли Хива шаҳрида хусусий ҳуқуқий маслаҳатхона очиб, кўпнинг дуосини олмоқда. Бозорбой Ҳусаинов Гурлан тумани марказидаги иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган бозорни ривожлантиришга ҳисса қўшди. Раҳимбой ота Каримов Урганч шаҳридаги маҳаллалардан бирига бош. Шунингдек, А. Каримов Шовот, Р. Тангриберганов Гурлан туманларида маҳалла қўмиталарининг раисидир.

– Фахрийларимиз жуда кўп шаҳар, туманларда "Огоҳлик – давр талаби" мавзуида суҳбатлар ўтказиб, аҳолини доимий ҳушёрликка чақирдилар. Ҳозирги кунда истеъфодаги ходимларимиз – Уйчи тумани "Беруний" МФЙ раиси М. Юнусов, Давлатобод тумани "Халқлар дўстлиги" МФЙ раиси С. Турдимаматов, Норин туманида МФЙ раиси ва маҳалла посбони Т. Маҳкамов, Чортоқ туманидан М. Шерғозиев, А. Толқонов, Янгиқўрғондан Т. Нишонов, А. Долимов каби кўплаб фахрийларимизнинг хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз, — дея фахрланади Наманган вилояти ИИБ фахрийларининг сардори, истеъфодаги милиция подполковниги О. Сайдазимов.

Жиззах вилоятида истиқомат қилувчи, ички ишлар идоралари фахрийси, самбо бўйича спорт устаси Ҳабибулла Саримсоқов олтмишга яқин ўсмир ва ёшлар билан спортнинг самбо тури бўйича машғулотлар олиб боради. Унинг икки шогирди республика биринчилигида совриндор бўлди. Андижон вилоят ИИБ фахрийларининг амалга ошираётган ишлари, айниқса, диққатга лойиқ (раис истеъфодаги милиция подполковниги А. А. Ғозиев). Улар ва фаоллар ҳамкорликда ёшлар билан доимий иш олиб бормоқдалар. Жойлардаги ҳокимликлар билан келишиб юзга яқин ўқувчиларни мактабларга қайтаришга, 45 нафар ўсмирни ишга, касб-ҳунар билим юртларига жойлаштиришга эришдилар.

Қашқадарё вилоят ИИБ фахрийларининг амалга ошираётган ишларига ҳавас қилмай иложингиз йўқ. ИИБ фахрийларидан саломатлиги яхши бўлган олти юз киши жойлардаги турли хизмат ходимларига бириктириб қўйилганлар. Уларнинг кўмагида 300 дан ортиқ жиноятнинг олди олинди. Бундан ташқари 28 нафар фахрий маҳалла қўмиталарининг раиси, иккитаси Қизил ярим ой жамиятининг раиси, 60 дан ортиғи маҳалла фаоллари, 6 киши вилоят, шаҳар, туман судларининг маслаҳатчиларидир. 2000 йилда фахрийлар ғалла, пахта йиғим-теримида фаол иштирок этдилар. 362 фахрий эса ипак қурти боқиб, давлатимизга катта миқдорда пилла топширди. 300 дан ортиқ фахрийлар оила аъзолари билан жамоа хўжалигидан ер олиб, пудрат асосида пахта, ғалла етиштирмоқдалар. Истеъфодаги милиция майори В. Ашуров Қарши туманидаги, "Холдинг" фирмасига раҳбарлик қилиб, оила аъзоси билан ўтган йили давлатга 60 тонна мол гўшти топширди. Бундан ташқари йил давомида болалар муассасалари ва даволаниш масканларини сут, қатиқ, сариёғ маҳсулотлари билан таъминлади. Милиция майори бўлган фахрий Р. Бўтаев, "Ўзбекистон" хўжалигида чорвачилик озуқа базасини яратиш бўйича меҳнат қилмоқда. Деҳқонобод туманида яшовчи фахрий, истеъфодаги милиция майори Н. Бекназаров туман ИИБ фахрийларининг ва "Бибиқорасоч" ҚФЙнинг раиси. У ўз нафақасидан иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида М. Турсунзода номли ўрта мактабнинг аъло ўқийдиган беш нафар ўқувчисига ҳар чоракда 2 минг сўмдан стипендия бериб келмоқда. Н. Амириддинов, М. Лутфуллаев, Т. Норбобоев, Т. Бердиев, Ш. Норқулов, С. Мўминов, А. Раҳимов каби фахрийларнинг ишлари ҳам кўпга ўрнак бўларлидир.

Тошкент, Бухоро вилояти ИИБ, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ва Тошкент шаҳар ИИБларининг фахрийлари амалга ошираётган ишлар ҳам мақтовга сазовор. Шунингдек, ИИВ фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Марказида фаолият кўрсатаётган истеъфодаги милиция генерал-майорлари О. Муҳамедов, Ш. Ҳасанбоев, Ж. Агзамов, Р. Холматов ва яна кўплаб собиқ ички ишлар идоралари ходимлари вилоятларда бўлиб, учрашувлар ўтказиб, ҳукуматимиз қарорларини оммага етказиш, ёш авлоднинг маънавиятини ошириб, дунёқарашини шакллантиришда, мустақил мамлакатимизнинг содиқ фарзандлари бўлиб етишувида кўплаб ишларни амалга оширмоқдалар.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрдаги Фармонини ҳаётга татбиқ қилиш ва ички ишлар вазирлиги фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази ва уларнинг жойлардаги бошланғич, ташкилотлари фаолиятларини янада такомиллаштириш тўғрисида алоҳида фармойиш чиқардилар. Бунга жавобан фахрийлар ҳам 2001 йилга қўшимча тадбирлар режасини ишлаб чиқдилар.

Виждон амри билан инсонийлик бурчларини чуқур ҳис этиб, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш учун баҳоли қудрат ҳисса қўшаётган фахрийларимизга ва уларнинг оила аъзоларига узоқ умр, саломатлик, ишларида барака тилаб, янги асрнинг дастлабки Наврўзини оила аъзолари билан шоду хуррам кутиб олишларини тилаб, юрт осойишталиги, фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларида омадлар ёр бўлсин дейман.

**Ғ. РАҲИМОВ,**
*ИИВ фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази Раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори.*

Тўйхат ўрнида

# Олижаноб йигит



***Рустам нонушта қилиб бўлиб, ишга кетишга отланганди, рафиқаси Альвира унга пешвоз чиқиб сўради:***

***– Дадаси, бугун ишдан қачон қайтасиз?***

***– Билмадим, кеч қайтсам керак. Нимайди?***

***– Бугун уйимизга меҳмонлар келадиган.***

***– Қанақа меҳмон? – астойдил ажабланди Рустам.***

***– Ана холос, ёдингиздан чиқибди-да, бугун қирқ ёшга кирасиз-а! Мана, бу мендан сизга, туғилган кунингизга совға.***

***Рустам хотинининг қўлидан қоғозга ўралган нарсани оларкан: "Раҳмат, онаси" деганича эшик томон юрди. Орқадан Альвира "Иложи бўлса эртароқ келинг, меҳмонлар кутиб қолишмасин яна!" деганича қолди.***

***Рустам Ибрагимов йўлйўлакай босиб ўтган ҳаёт йўлига назар солди.***

У 1976 йили Чиноз туманидаги 11-ўрта мактабнинг 8-синфини тугатиб, Сирдарё қишлоқ хўжалигини механизациялащ техникумига ўқишга кирди. 1980 йили уни муваффақиятли тугаллади. Шундан сўнг қисқа муддат – армияга чақирилгунча Янгийўл туманидаги Ўрта Осиё механизация ва электрлаштириш институтида лаборант бўлиб ишлади. Йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, худди акаси – Исроилдек милицияда хизмат қилиш учун Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлимига ариза билан борди. Бўлимдагилар йигит билан суҳбатлашиб кўришди ва оддий милиционерликка ишга қабул қилишди. Ўшандаги қувончини Рустам ҳалигача яхши эслайди.

– Бир куни кечки тақсимотдан сўнг шаҳар бозори атрофида хизмат вазифамни адо этиб юргандим. Шунда йўл ёқасида йиғлаб кетаётган бир қизга кўзим тушиб қолди. Унинг ёнига бориб, нима гаплигини сўрадим. Қиз ҳиқиллаганча кинотеатр кассасига навбатда турганида кимдир ҳамёнини ўғирлаб кетганини айтиб берди. Мен ундан орқасида турган одамнинг кўринишини тасвирлаб беришни сўрадим ва уни қидириб кетдим. Кўп ўтмай ташқи кўриниши қиз айтган ўғрига ўхшаш йигит меҳмонхона ёнида турганини кўриб қолдим. Унга яқинлашаётганимни кўриб, секин-аста қоча бошлади. Йигитни қўлга олганимда ёнидан қиз тасвирлаган ялтироқ ҳамён чиқди. Ўша заҳоти гумондорни ички ишлар идорасига олиб бориб топширдим. Ушбу жиноятни иссиғида очганим учун кўп ўтмай мени "Милиция аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирлашди.

Рустам Ибрагимовнинг ҳаётида бундай кутилмаган тўқнашувлар кўп бўлган. Бироқ посбон улар ҳақида гапиришни ёқтирмайди. Биз унинг шахсий ҳужжатлар жилдидан 1987 йили ИИВ Тошкент Олий мактабига ўқишга кириб, 1991 йилда тугаллаганини, шундан сўнг Тошкент вилоят ИИБ Тергов бошқармасида терговчи, 1992 йилдан эса Республика ИИВда турли лавозимларда ҳалол меҳнат қилганини билиб олдик.

Бу камсуқум, олижаноб йигит кўп йиллик хизмати давомида собиқ Иттифоқнинг "қайноқ" нуқталаридан бири – тоғли Қорабоғ, шунингдек, Фарғона воқеаларида, 1999 йил ноябрь ойида Бўстонлиқ туманининг тоғли ҳудудларига суқулиб кирган террорчиларни қидириб топиш ва зарарсизлантиришга қаратилган операцияда фаол иштирок этди. У Ватан, эл-юрт олдидаги бурчини ҳалол бажаргани учун "Милиция аълочиси", II даражали "Хизматда ўрнак кўрсатгани учун" кўкрак нишони, "Нуқсонсиз хизмати учун" медали ҳамда "Мустақиллик" эсдалик нишони билан мукофотланган.

Айни пайтда милиция майори Рустам Ибрагимов Транспорт ички ишлар бошқармасида бўлинма бошлиғи. Унинг икки фарзанди бор. Шу кунларда Рустам навқирон қирқ ёшда. Биз уни таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга энг эзгу тилакларимизни билдирамиз.

**Мурод ТИЛЛАЕВ.**

# Кўрик-танлов якунланди

Қашқадарё вилояти ИИБ хотин-қизлар кенгаши томонидан 2001 йил – Оналар ва болалар йили муносабати билан турли тадбирлар ишлаб чиқилган. Яқинда шу санага бағишлаб вилоят ички ишлар бошқармасида навбатдаги тадбир – "Балли, қизлар!" кўрик-танлови ўтказилди. Унда бошқарма бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги Ашурбой Байраев сўз олиб, бу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад тўғрисида тўхталди ва танлов иштирокчиларига омад тилади.

Шундан сўнг тадбир иштирокчилари танлов шартига кўра "Келинг, танишайлик", "Оналар ҳақида шеър ёки ривоят айтиш", "Болалар иштирокида саҳна асаридан кўриниш", эркин мавзуда чиқиш бўйича ўз иқтидорларини намойиш этдилар. Иккинчи истеъдод соҳибаларининг ҳар бир чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан яхши кутиб олинди.

Бошқарма хўжалик бўлими муҳандиси Мукаррам Ниёзова барча шартларга кўра танлов ғолиблигини қўлга киритди. Иккинчи ўрин эса бошқарманинг "Юлдузча" болалар боғчаси тарбиячиси Гулноза Саидовага насиб этди. Шунингдек, "Қўриқлаш" бошқармаси оператори Зебунисо Хушманова, Жазони ижро этиш бўлими иш юритувчиси Феруза Раззоқова, тиббиёт хизмати ҳамшираси Феруза Бекмуродоваларнинг чиқишларини томошабинларда чуқур таассурот қолдирди.

– Биз нафақат байрамлар арафасида, балки йил бўйи бу санага бағишлаб қизиқарли тадбирлар уюштириб борамиз, – дейди бошқарма хотин-қизлар кенгаши раиси, ички хизмат капитани Зулфия Ибрагимова. – Бу шубҳасиз иштирокчиларга нафосат, гўзаллик бағишлайди.

Танлов иштирокчиларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**Ў. ҲАЙДАРОВ.**

2001 йил – Оналар ва болалар йили

# БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ – БОШ МАСАЛА

Болалик – инсон умрининг энг беғубор даври. Инсондаги кўпгина хислатлар шу даврда шаклланади. Шу боис ҳам мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига давлат ва жамият олдида турган энг муҳим вазифа сифатида қаралмоқда.

Яқинда Қизилтепа тумани ички ишлар бўлимида бўлиб ўтган очиқ мулоқот ҳам ана шу масалага бағишланди. Оналар ва болалар йили муносабати билан ўтказилган мазкур тадбирда туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Ф. Қувондиқов туман ҳудудида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш тўғрисида маъруза қилди.

Шундан сўнг оила, мактаб, маҳалла ва кенг жамоатчилик ҳамкорлигида болалар тарбиясини яхшилаш, улар билимини ошириш, турли хил касбларга тайёрлаш усуллари тўғрисида туман халқ таълими бўлими мудири Т. Фатуллаев, она ва бола соғлиғини мустаҳкамлаш хусусида туман соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи О. Жумаев, вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш масалалари юзасидан вилоят ИИБ ЖООБ жамоатчилик ташкилотларини мувофиқлаштириш гуруҳи раҳбари, милиция подполковниги Г. Чўлиев сўзга чиқдилар.

Очиқ мулоқот давомида туманда ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш борасида мутасадди ташкилот ва муассасалар раҳбарлари томонидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

– Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтишини ташкил этиш лозим, – дейди туман ИИБ бошлиғи Ф. Қувондиқов. – Мактабдан ташқари вақтларда болаларни фойдали меҳнатга жалб этиш, айниқса, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун етарли шарт-шароит яратилиши зарур.

Тадбир қатнашчилари ўқувчи-ёшлар меҳнати билан тайёрланган ҳунармандлик, зардўзи, каштачилик, кулоллик, наққошлик маҳсулотлари кўргазмасини томоша қилдилар. Тасвирий санъат асарлари билан танишдилар. Уларнинг ҳар бирида бола қалбининг тиниқлиги, мўъжизага, янги-янги кашфиётлар яратишга интилиш, ҳайрат ва ижодкорлик бор.

Тадбир сўнгида "Энг яхши оила" кўрик-танлови ўтказилди. Унда фарзанд тарбиясида бошқаларга ибрат бўлаётган уй бекалари иштирок этдилар. Ўғил-қизларининг ўқиши, хулқ-одоби, юриш-туриши билан назарга тушган учта оиланинг танлов шартлари бўйича чиқишлари баҳоланиб, ғолиблар рағбатлантирилди. Ички ишлар бўлими раҳбарияти ташаббуси билан ўтказилган бу тадбир жараёнида шу нарса равшан бўлдики, болалар тарбиясида катталарнинг масъулиятини ошириш, оила, мактаб ва маҳалла ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарур. Бугуннинг талаби шундай!

**Нигора РАҲИМОВА,**
*Навоий вилояти ИИБ.*

Ризо БАҲРОМОВ

# Баҳор ёмғири

*(ҳикоя)*

Давоми. Боши ўтган сонда.

— Илтимос, ўша кунги босқинчиликни бир бошидан, шошилмасдан гапириб берсангиз.

— Рост гап, болам, шу ишлар жуда бошимга битган бало бўлди-да. Ҳали унинг келасан, ҳали бунинг келасан. 15 кун бурун ҳалиги хўппа семиз каттанг келган эди: "Бўлди, ишни бекитаман, қўлингизни қўйинг" деб. Бугун сен келдинг. Мени қариган чоғимда тинч қўясизларми ўзи? — кампир норози бўлди.

— Неварангиз кўринмайди, — деди Рустам гапни бошқа ёққа буришга уриниб.

— Э-э, қуриб кетсин бола бўлмай. Уч кун бўлди, бир ўртоғи билан шаҳарга бориб келаман деб чиқиб кетган, қайтиб келгани йўқ. Мен бу ерда ич-этимни еб ўтирибман.

**— Э, э, сен яна боламни бу ишларда гумон қилиб юрма!**

Кампирнинг ёши 70 дан ўтган бўлса ҳам, тетик эди. Юзларида ажин сийрак, сочларидаги оқ толалар ҳам ҳаминқадар. Сора холанинг таржимаи ҳоли билан Рустам яхши таниш. Жиноий иш бўйича тўпланган ҳужжатларда икир-чикирларигача батафсил ёзилган. Турмуш ўртоғини йўқотганига уч йилдан ошган, яккаю ёлғиз ўғли автомобиль ҳалокатида нобуд бўлган. Икки нафар қизи бор. Бири Бухорода туради. Куёви шаҳарда завод директори. Иккинчиси туман марказида яшайди. Ўзига тўқ. Сора хола билан турадиган Шерзод ҳам шу кичкина қизининг боласи. Кампирдан тез-тез хабардор бўлиб туришади. Кампирнинг ўзи ҳам болаларига қараб қолмаган.

Эри раҳматли бир неча йил Ғиждувон райкомида ишлаган. Кейинчалик трест бошлиғи бўлган.

— Эрингизни дадам яхши билар эканлар, — деди Рустам ёлғонни ҳам дўндириб, — эшитиб анча хафа бўлдилар.

— Ҳа, нимасини айтасан, ўғлим, — кампир анча юмшади, — раҳматли кўпчиликнинг хизматини қиларди-да.

— Ўша куни уйда неварангиз бормиди?

— Э, э, сен яна боламни бу ишларда гумон қилиб юрма! — кампир сергак тортди.

— Йўғ-е, неварангиз ҳам ёш бола эмас, 16 га кирган, агар уйда бўлганда, ўша куни сизга анча...

— Ўшанда ҳам қаёққадир ғойиб бўлганди, қуриб кетмагур. Гапимга кирмай қўйди, аҳмоқ, борма деган жойимга боради, қилма деган ишимни қилади. Юрагим ҳам бир нарсани сезганди. Ўша куни алламаҳалгача Шерзодни кутиб дарвозага қулф осмадим. Жойимга чўзилиб, энди кўзим илинган экан, бир вақт кимдир хона эшигини очаётганидан уйғониб кетдим. Аввалига неварам бўлса керак деб, қимирламай ётавердим. Кейин яхшилаб қарасам, бошига нимадир кийиб олган киши юзи кўринмайди, ниқоб тутиб олипти ер юткур! Юрагим қинидан чиқиб кетди-ёв. Тилим калимага келмайди. Мени туриб кетганимни кўриб, тўғри тепамга келди-да, қўлларини чўзиб аввал бўғмоқчи бўлди. Додлаб юборганимдан кейин чаккамга қаттиқ нарса билан бир туширганини биламан. Кўзимни очсам—касалхонада ётибман. Худога айтганим бор экан, ўлмай қолдим, — кампир кўз ёшини артди, — бўлмаса чолимни орқасидан кетувдим.

— Уйдан нималар йўқолибди?

— Озгина пул бор эди, шифонерда сақлардим, керак бўлганида олиб ишлатардим. Ўшани олган, кейин тилло балдоғимни ҳам олиб кетган.

— Ниқобли одам кирган пайтда хона чироғи ўчиқмиди?

— Ҳа, ўчиргандим, лекин айвондаги чироқ нури хонага тушиб турганди.

— Уни қандай эслаб қолдингиз?

**— Мени бўғмоқчи бўлиб қўлларини чўзган эди. Шунда қўлидаги расмларга кўзим тушиб қолди.**

— Мени бўғмоқчи бўлиб қўлларини чўзган эди. Шунда қўлидаги расмларга кўзим тушиб қолди.

— Ўша расмлар унинг қайси қўлида эди?

— ...

— Яхшилаб эсланг...

— Менимча, чап қўлида эди, шекилли.

— Сизнингчами, ёки аниқми? Балки, ўнг қўлидадир?

— ... Қани менга қўлларингни чўз-чи, худди бўғаётгандай.

Рустам қўлларини кампирга энди узатган эди, Сора хола унинг ўнг қўлидан маҳкам ушлади:

— Худди мана шу қўлида! Қандайдир бўримиди-ей, шермиди-ей... яна алланималар ёзилган эди.

Рустам Шокировнинг қўлидаги татуировкани эслади — чап қўлида, кўринадиган жойида тоғ ортидан кўтарилаётган қуёш, олди томонида буғунинг боши чизилган, атрофида айланасига "Доброе утро, Север" деган ёзув бор эди.

— Сора опа, — деди Рустам ўзини анча хотиржам кўрсатишга уриниб, — сиз билан учраштирилган учта йигит ичида жиноятчини қандай танидингиз?

— ... Шундай, расмига қараб.

— Сиз кўрсатган одамнинг чап қўлига расм чизилган-ку!

— Эй, бошимни оғритиб юбординг-да, нима хоҳлайсан ўзи мендан?..

***

— Айтган жойларингизга қўл қўйиб берган бўлсам, кампирни қандай бўғиб, тилло тақинчоқларию пулларини қандай олиб кетганимни айтган бўлсам! Айбимга иқрор бўлсам, яна нима хоҳлайсизлар ўзи мендан?! Нима?!!

Рустамнинг рўпарасида ўтирган Қаҳрамон йиғлаб юборди. У руҳан чўккан, кўз косалари чуқурлашиб, ранги-рўйи ҳам анча сўлиган эди. Рустам Қаҳрамонга бир зум индамай тикилиб турди-да:

— Дўстим, мен сизнинг гуноҳсиз эканлигингизга ишонаман, лекин буни ҳали исботлаб беришимиз керак, тушундингизми? Исботлашимиз керак! Шунинг учун, менга ёрдам беринг, саволларимга тўғри жавоб қайтаринг, муҳими, менга ишонинг! — деди, сўнг маҳбусларни сўроқ қилиш учун ажратилган, ойналарига йўғон темир панжаралар ўрнатилган торгина хонада у ёқдан бу ёққа юра бошлади. — Ўша куни Ғиждувонда нималар қилиб юрувдингиз, майор Камолов сизни қандай қўлга олди, сиз қандай қилиб иқрорнома ёздингиз — ҳамма-ҳаммасини ипидан-игнасигача оқизмай-томизмай гапиринг.

Қаҳрамон бир зум жим турди-да, сўзлай бошлади:

— ... Дадамлар асли Ғиждувондан, ёшлигида оталари касалликдан ўлиб кетганидан кейин, оналари Навоийдан иккинчи турмушга чиққан, дадамни ҳам бирга олиб кетган. Дадам ўгай ота қўлида ўсган. Рост гап, бувамиз ўгай эканлигини биз яқиндагина билганмиз. Дадамни ўз боласидек тарбиялаган, ўқитган, уйлаб жойлаган. Ҳозир аммаларим бор, дадамни ўз туғишган акасидек ҳурмат қилишади. Балки, буларнинг қизиғи йўқдир.

— Гапираверинг, ҳаммаси керак, айтдим-ку, ҳаммасини гапиринг.

— Хуллас, мактабнинг битирув кечасида, синфдошлар бир ўртоғимизникида йиғилдик. Ҳамма хурсанд, шўхликларимиз, болалигимиз бизни бир умрга ташлаб кетаётганидан кўнгилларимиз жиндай беҳаловат ҳам эди. Ўйин-кулгу ўша куни тонготача давом этди. Аввалига қизлардан яшириб, кейин ошкора ичдик. Кайфим ошиб қолганидан эрталабга яқин ухлаб қолибман. Эртасига маълум бўлишича ошга кимдир кўкнор қўшиб юборган экан, ҳаммамиз мастлигимиздан фойдаланиб кимдир синфимиздаги бир қизнинг тилло занжирини ўғирлаб қўйган. Мен ўша қиз билан ёнма-ён ўтирган эдим...

Давоми келгуси сонда.

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

**Тошкент тумани ИИБ томонидан қуйидаги фуқаролар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.**



Дилбар Султоновна **ЮЛДАШЕВА,** 1979 йилда туғилган. Тошкент тумани "Тошкент" ширкат хўжалиги Хувайдо кўчаси 22-уйда яшаган. У 1999 йил 25 июнь куни уйидан номаълум томонга чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 168 см, юзи думалоқ, сочи, қоши қора, ёйсимон, кўзлари қора.

**Кийимлари:** эгнида оқ кофта-юбкаси билан, оёғида оқ "чипс" шиппаги бўлган.



Аҳмаджон Маҳамаджонович **ОЛИМБОЕВ,** 1985 йилда туғилган, Тошкент тумани "Тошкент" ширкат хўжалиги "Тутзор" маҳалласи Машраб кўчасида яшаган. У 1998 йил 10 октябрь куни уйидан номаълум томонга чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 120–130 см, юзи думалоқ, сочи, кўзлари қора.

**Кийимлари:** эгнида енги калта кўк рангли футболка, оқ майка, кўк шим, оёғида шиппак бўлган.

**Алоҳида белгилари:** ўнг қошининг остида 2-3 см, ўнг юзининг тепасида 2-3 см, ўнг оёғида 8-9 см чандиғи бор. Руҳий касал.



Ғайрат Худойбердиевич **СУЛАЙМОНОВ,** 1967 йилда туғилган, Тошкент тумани Ғ. Абдуллаев жамоа хўжалиги Ғ. Абдуллаев кўчаси 58-уйда яшаган. У 1998 йил 17 октябрда уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 170–175 см, сочи қора, юзи чўзинқроқ, пешонаси кенг, кулоқлари, бурни катта.

**Кийимлари:** эгнида кул ранг костюм, оқ шим, сариқ рангли йўл-йўл кўйлак, оқ майка, оёғида жигар ранг туфли бўлган.

**Алоҳида белгилари:** ўнг елкасида қиз ва илон ўралган қилич, чап қўли билаги пастида қуёш сурати туширилган татуировка бор.

**Юқорида номлари зикр этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**

# Ҳувиллаган ҳовли

**— Ота-онамни ҳеч ким камситишга ҳаққи йўқ дедимми — йўқ! — Ирода бу сўзларини панжара ортидан тушаётган қуёш нурига тикилганича ҳамон такрорларди. — Охири ниятимга етдим, ўчимни олдим!**

Ака-ука оталарининг ўлимидан сўнг мерос устида талашишди. Уриш-жанжал кўтарилиб, овсинлар ҳам бунга аралашишди. Уканинг топиш-тутиши акасининг топишидан кам эди. Шунинг учунми ёки бошқа сабабданми ука акасини ҳақоратлаб, менсимасликка ўтиб кетди. Қовун қовундан ранг олар экан. Ҳатто Иродан опажон деб ҳовли супуришга ёрдам бериб юрадиган жиянчаси Умида ҳам ўз онасининг гапларига қулоқ солиб, амакисини сансираб чақирадиган бўлди.

Умиданинг ойиси эрининг ишдан келишини пойлаб ўтирар, у уйга кириши билан жаврай бошларди:

— Сизни қаранг-у, ўзингизнинг мол-мулкингизга ҳам эгалик қилолмайсиз. Сўранг, ҳаммадан сўранг, қани, ҳовли кимга қолиши керак? Ҳали олдимизда икки ўғлимиз бор, ҳадемай улар вояга етади. Қаерга сиғдирамиз кейин, адаси? Айтинг акангизга, унинг ўғли бўлмаса, чиқсин-да, йиғиб қўйган пулига бир хонали бўлса ҳам уй сотиб олсин!

Кундуз куни эса Ирода ўз ҳовлиларида эркин юра олмасди. У ёққа ўтса ҳам, бу ёққа ўтса ҳам янгаси минғирлайвериб жонига тегарди. Ирода ойисининг бу жанжалларга юраги бардош бера олмаётганини кўриб, жаҳли чиққанидан дод деб юборарди.

— Ҳали шошмай туринглар, мен сизларга кўрсатаман, бир кунмас-бир кун оиламизнинг ўчини оламан! — дерди у.

Ўз миясини бу гап-сўзлардан заҳарлаб бўлган 15 яшар қиз шайтон васвасасига учиб, амакисининг севимли қизчасини ўлдиришга қарор қилди.

Бир куни ҳовлида катталардан ҳеч ким қолмади. Ҳаммаси ўз иши билан чиқиб кетган. Ирода эса ҳар доимгидек уй-рўзғор ишлари билан куймаланиб юрарди.

Дўмбоққина, ширин Умида қўғирчоғини маҳкам қучоқлаб олганича Иродаларнинг ошхонаси томон югуриб келди. Уни кўрган Ирода жиянини олдига чақириб, "Мушук болаларини кўрсатайми?" — деб сўради.

Умиданинг жуда ҳам ҳайвонларга ишқи бўлакча эди. Айниқса, мушукчаларга. Бу сўзни эшитиши билан у жовдираб:

— Опа-а, менга ўша мушукчаларни олиб беринг, — деди.

Ирода Умидани қўлидан маҳкам ушлаганича шотидан томга олиб чиқди. Атрофда мушук боласини кўрмаган Умида опасидан сўради.

— Қани, опа?

— Ана, кўрмаяпсанми? Қўшнимизни чердагида, юр тезроқ, бўлмасам қочиб қолишади.

Икковлон қўшниси Туроб аканинг томидаги чордоққа кириб кетишди. Кўзи қонга тўлган Ирода янгасининг гапларини эслади. У чордоқдан бошини чиқариб атрофга олазарак қараб қўйди-да, ўша ерда ётган темир-терсакларнинг ичидан биттасини тортиб олиб жиянининг бошига уч марта урди. Умида йиқилиб тушди.

Жиянини ўлганига ишонч ҳосил қилган Ирода қилмиши таъсирида телбаларча ўрнидан сапчиб турди. Кейин у жиянини жажжи қўлчаларидан ушлаб судраб ичкарироққа — пана жойга қўйди.

Ўзи пастга тушиб тўғри хонасига кириб кетди. Бирпасдан кейин у яна томга чиқиб ўликдан хабар олди. Ирода қўлларига қараб қилган ишига ишонмасди. У яна пастга тушиб, оғилхонадан бир қоп хашакни кўтариб юқорига чиқарди-да, мурданинг устини бекита бошлади. Кейин кўчага чиқиб, йўл-йўлакай ўзидан, қилган ишидан мағрурланарди:

— Энди янгам ўзидан кўрсин, бизнинг бошимизга не кунларни солувди. Кўрамиз сени ҳам ғамга ботишингни.

Ирода кўчанинг ярмидан қўрқинч аралаш алам билан яна уйга қайтиб келди. Ҳовли кўзига гўё мозордек бўлиб туюлди. Дам томга биров чиқаётгандек, дам назарида орқасидан жияни келаётгандек туюларди. Қулоғига янгасининг бақироқ овози эшитилди:

— Умида! Умида!..

Иродани қўрқув босди. Хонасига кириб бир бурчакка ўтириб олди. Икки-уч соат ичида маҳаллада дув-дув гап тарқалди: "Фалончининг қизчаси йўқолиб қолибдимиш — эшитдинглар-ми?"

Ироданинг отаси ҳам Умидани ўз қизалоғидек суярди. У ишдан келиши биланоқ бу гаплардан хабар топгач қўрқиб кетди.

— Вой дўмбоққинамей, қаерларда экан? Ҳа, бирон қўшнининг уйидадир-да. Ирода, сен кўрмадингми? — деб сўради ойиси.

— Йўқ, йўўўқ!

— Унда юр, амакингларни жонига малҳам бўлайлик. Қўшни қишлоқни излаб кел ўртоқларинг билан.

Хуллас, қизалоқни етти кун излашди — топишолмади.

Ёзнинг иссиқ куни. Туроб ака кечки пайт сўрида чой ичиб ўтирганида майин шаббода унинг димоғига ёқимсиз ҳидни олиб келди. Туроб ака ўғлини чақириб деди:

— Болам, бир томга чиқиб кўргин, нима бало мушук-пушук ўлиб қолганми дейман?

Зариф томга чиқиб тўғри чордоққа кирди. У ердан тарқалаётган ҳидга киши чидай олмасди. Хашак тўпланиб ётган жойга бориб, фонари қўлидан тушиб кетиб овозининг борича бақириб юборди. Туроб ака шошиб юқорига чиқди. У ўликни кўргач тезда маҳалла посбонларига хабар қилди. Қотил ҳам тезма-тез топилди. У суд ҳукми билан жазоланди.

Энди қизларсиз ҳовли қабристон каби ҳувиллаб қолгандек туюларди оналарга.

Мадина МУХТОРОВА.

